• *ҚОНУН ҚАНДАЙ БАЖАРИЛЯПТИ?*

# ЭКСПОРТ ҚУВВАТИ ОШМОҚДА

## Ёхуд «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Қонуннинг Сурхондарё вилоятидаги ижроси хусусида

Аввал хабар қилинганидек, Олий Мажлис Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси ҳузурида ташкил этилган комиссия яқинда «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Қонуннинг Сурхондарё вилоятида қандай бажарилаётганлигини қўмита йиғилишида муҳокама қилди. Комиссия хулосаларида таъкидланганидек, айни пайтда Сурхондарё вилоятида тадбиркорликни ривожлантиришга доир «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини ҳаётга татбиқ этиш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Ва ана шу асосда вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларининг фармойиш ҳамда дастурлари қабул қилиниб, уларнинг ижросини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар кўрилмоқда. Вилоятда, айниқса, чет эл сармоялари иштирокидаги корхоналарни ташкил этишга алоҳида эътибор берилаяпти. Вилоят ҳокимининг қарорига мувофиқ 1997-2000 йилларда чет эл сармоялари иштирокида амалга ошириладиган лойиҳалар рўйхати тасдиқланган.

Ана шундай ишлар натижаси ўлароқ бугунги кунда вилоятда мулкчиликнинг турли шакллари вужудга келди, янги иш ўринлари барпо қилинди, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий шароити яхшиланмоқда.

Вилоятда айни пайтда турли мулкчилик шаклига асосланган 9889 та корхона ва ташкилот фаолият кўрсатаяпти. Шундан 240 таси ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга. Улар Осиё, Америка ва Европа мамлакатлари билан савдо-сотиқ ишларини амалга оширмоқдалар.

1997 йилнинг январь-октябрь ойларида вилоят бўйича савдо айланмаси 138.9 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Шундан экспортнинг улуши 125.9 миллион, импортники эса 13 миллион АҚШ долларига тўғри келади. Текшириш хулосаларида аниқланишича, кейинги йилларда ташқи савдо айланмасида экспорт салмоғи ўсиши кузатилмоқда. Бундан ташқари, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажмининг кўпайишига ҳам эришилаяпти.

Вилоятда 1992 йили атиги 4 та қўшма корхона ташкил этилган бўлса, 1997 йилда унинг умумий сони 47тага етди. Бироқ айни пайтда 47 та қўшма корхонадан 23 таси фаолият кўрсатаяпти: 11 тасининг фаолияти вақтинчалик тўхтатилган бўлса, 13 таси эса фаолият кўрсатиш арафасида турибди.

1997 йилнинг 9 ойи давомида қўшма корхоналар томонидан 163.5 миллион сўмлик иш ва хизмат бажарилган. Уларнинг экспортдаги улуши 170 минг, импортдагиси эса 1337.3 минг АҚШ долларини ташкил этди.

Мавжуд қўшма корхоналар Австрия, АҚШ, Индонезия, Ливан, Канада, Шимолий Ирландия, Польша, Ҳиндистон, Хорватия, Афғонистон, Тожикистон, Россия, Қозоғистон ҳамда Қирғизистон каби давлатлар таъсисчилари иштирокида ташкил этилган. Шу ўринда ҳиндистонлик тадбиркорлар билан ҳамкорликда тузилган дори-дармонлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Сурхон Аджанта Фарма ЛТД» қўшма корхонаси фаолиятини алоҳида таъкидлаш керак. Чунки у ишлаб чиқаришни ташкил қилиш шарт-шароитлари, иш ўринларининг замонавийлиги билан бошқаларидан катта фарқ қилади. Бомбей шаҳридаги «Аджанта Фарма ЛТД» корхонаси, Сурхон заводи, вилоят ҳокимлиги, «Ўзфармсаноат» концерни қўшма корхонанинг таъсисчилари ҳисобланади. Унинг устав жамғармаси 5 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Корхона 18 хилдаги дори-дармон ишлаб чиқариш имкониятига эга. Ўтган йилнинг январь-октябрь ойларида корхонада 85 миллион сўмлик дори-дармон ишлаб чиқарилган.

Канада ва Шимолий Ирландия томонидан таъсис этилган «Сурхонпластик ЛТД» қўшма корхонаси фаолияти ҳам эътиборга лойиқдир. У халқаро бозорда рақобатбардош ҳисобланадиган полиппропилен халталари ва полиэтилен плёнкалари ишлаб чиқаради. Корхона ўтган йилнинг 9 ойида Россияга 250 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотни экспорт қилди.

Ҳозир корхонада 84 нафар киши меҳнат қилаяпти.

Жарқўрғон туманидаги «Сурхон – Маймана» қўшма корхонасида мол терисига табиий ишлов бериш йўли билан замонавий ва сифатли аёллар сумкалари ва чемоданлар ишлаб чиқарилмоқда.

Ўтган йилда вилоятда Тожикистон-Австрия «Регар Геха» қўшма корхонасининг 1.8 миллион АҚШ доллари миқдорида устав жамғармасига эга бўлган «Оби жуй» шўъба корхонаси ўз фаолиятини бошлади. У пиво ичимлиги ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган . Корхона Австриядан келтирилган замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Ишлаб чиқарилаётган пиво ичимлигининг бир қисми Тожикистонга экспорт қилиниши режалаштирилган.

Шунингдек, 1997 йил 1 апрелдан «Ўзбек-Индонезия», «Ўзбектелеком интернейшнл» ҳиссадорлик жамиятининг «Сурхондарё – Телеком» шўъба корхонаси ўз фаолиятини бошлади. Корхонанинг устав жамғармаси 89.7 млн. АҚШ долларини ташкил этади.

Умумий сармоянинг 51 фоизи маҳаллий таъсисчининг улушига тўғри келади. Айни пайтда инвестиция қилинадиган маблағнинг 10 фоизи ўзлаштирилган.

1997 йилда Термиз шаҳрининг Нефтибаза шаҳарчаси ҳамда «5-кичик даҳа»да 5 минг нуқтали иккита, «ГАРМ» шаҳарчаси ва Алоқа уйида 3 минг нуқтали иккита, жами 16 минг нуқтали Хорватиянинг «Эриксон – Никола – Тесла» фирмаси ҳамкорлигида янги технологияларга асосланган замонавий телефон тармоқлари ишга туширилди.

Алоқа уйида 1830 каналга мўлжалланган «АХЙ – 10» типидаги автоматик шаҳарлараро телефон тармоғи, тармоқ орасида 18 км. масофада шиша толали кабель ва Швециянинг «SDH» системаси фаолият кўрсатаяпти. Иш жойлари компьютерлаштирилмоқда.

Термиз шаҳрида алоқачилар учун 24 хонадонли турар-жой биноси фойдаланишга топширилди. Термиз филиали қарамоғида тиббий ёрдам пункти, Учқизил сув омбори бўйида 32 ходимга мўлжалланган дам олиш маскани, Денов туманининг Сина қишлоғида жойлашган «Чашма» болалар оромгоҳи ва бошқа турдаги жойлар мавжуд. Жорий йилда Денов, Шўрчи, Узун, Қорлиқ, Сариосиё ва Шарғунда Американинг қишлоқ шароитида қўлланиладиган ҳаво телефон тармоқлари ишга туширилади.

Жарқўрғон ип йигирув-тикув фабрикаси 1994 йил 1 ноябрдан бошлаб очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айлантирилган. Янги ва замонавий тикув дастгоҳлари ўрнатилиши натижасида корхонада йил мобайнида жаҳон бозори талабларига тўла-тўкис жавоб бера оладиган 814 минг п\метр бўз матоси ишлаб чиқарилди.

1997 йилда экспортга маҳсулот сотиш 10 ойлик режаси 140 фоизга бажарилди, Чехия, Польша ва Австрия мамлакатларига 312 минг долларлик маҳсулот сотилди.

1998 йилда «Сурхон Аджанта Фарма ЛТД» қўшма корхонасининг тўлиқ қувват билан, спирт ҳамда карбит ишлаб чиқаришга мўлжалланган «Қодирдон» Ўзбекистон-Россия ҳамда «Барака» Ўзбекистон-Афғонистон қўшма корхоналарининг ишга тушиши билан вилоятда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1 млрд. сўмдан ошиши кутилмоқда.

Вилоятда кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда чет эл сармоясини жалб қилиш борасида ҳам амалий ишлар олиб борилмоқда.

Айни пайтда 35 та кичик ва хусусий корхонанинг 32 млн. АҚШ доллари қийматига эга бўлган 43 та лойиҳаси кичик ва хусусий тадбиркорликни чет эл сармояси иштирокида ривожлантиришни рағбатлантириш вилоят ишчи комиссиясида ўрганилиб, кредит ажратиш учун республика мувофиқлаштириш кенгашига тақдим этилди.

Ўтган йилнинг май ойида Ангор туманидаги «Таллимарон» жамоа хўжалиги ҳудудида фаолият кўрсатаётган «Ғаффор» хусусий фирмаси Германиянинг «Тиссен ГМБХ» фирмасидан суткасига 2 ярим тонна сутни қайта ишлайдиган 267,0 минг АҚШ доллари қийматидаги замонавий технология мажмуасини ўрнатди. Айни пайтда бу ерда 5 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Жорий йилда АҚШнинг «Донованд» компанияси томонидан Термиз туманида 18 миллион долларлик қийматдаги пахта тозалаш корхонаси қурилиши режалаштирилган.

Эътиборли томони шундаки, чет эл сармоялари иштирокида ташкил этилган корхоналар бажарган иш ҳажмининг асосий қисми маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар улушига тўғри келади. Қўшма корхоналарда ишловчи кишилар сони 1996 йилда 539 кишини ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич ўтган йилнинг 9 ойида 1917 кишига етди.

Қонун ижросини текшириш хулосаларида вилоятда корхоналарни замонавий технология билан жиҳозлаш, қишлоққа саноатни киритиш, қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш, малакали ишчилар тайёрлаш, маҳсулотлар сифатини жаҳон андозалари даражасига кўтариш каби муаммолар ҳали ўз ечимини топмаганлиги ҳам қайд этилган. Таъсис этилган айрим қўшма корхоналар пул маблағлари етишмаслиги, хомашёларнинг қимматлиги ҳамда аксарият қўшма корхоналар Афғонистон Республикаси билан ҳамкорликда ташкил этилганлиги туфайли ўз фаолиятларини тўхтатишга мажбур бўлганлар. «Усто-Абду», «Термиз-Мозор», «Стекло», «Оби-Ҳаёт» каби корхоналар ана шулар жумласидандир.

Текшириш давомида чет эл сармояларини жалб қилишда айрим мураккабликлар учраётганлиги аниқланди. Корхоналарнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаларни беришда Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги иштироки таъминланса бу борадаги ишлар янада самарали бўлган бўлур эди. Текшириш хулосаларида «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Қонунга давр ва шароит нуқтаи назаридан айрим қўшимча ва ўзгартишлар киритиш хусусида ҳам таклифлар киритилган.

**Исмат ХУДОЁРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Янги йил арафасида Акмал Икромов туманида янги савдо марказининг ишга туширилиши пойтахт аҳолиси ва меҳмонлари учун яна бир қулайлик яратди.*






**СУРАТЛАРДА:**
*«Супермаркет»нинг ташқи кўриниши; нон дўконида.*
**Т. КАРИМОВ олган суратлар.**

Қорақалпоғистонда хорижий сармояларни жалб этган ҳолда кўплаб қўшма корхоналар қурилмоқда. Ош тузи ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Нукус-Ялчинел-ЛТД» қўшма корхонаси шулар жумласидандир.

# ҚОРАҚАЛПОҚ ТУЗИ – ХОРИЖГА

Бу ерда туз туркиялик ишбилармонлар ёрдамида ўрнатилган технология асосида қадоқланмоқда. Ҳар куни Нукус ва Тошкент шаҳри савдо шохобчаларига 30 тоннадан зиёд маҳсулот жўнатилаётир. Қорақалпоқ тузи хорижга ҳам чиқарила бошланди. Маҳсулотнинг дастлабки туркуми Россияга жўнатилди. Туркманистондан ҳам буюртма олинди.

**А. ИСКАНДАРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

• *ФЕРМЕРЧИЛИК*

# ЁЛҒОН ВАЪДАЛАР

## ёки қоғозда қолган қарорлар

**Ғайбулло ака Раҳмонов ўттиз икки йил техника билан тиллашди. Дастлаб шофёр, механизатор бўлди. Кейин механик, хўжалик бош муҳандиси вазифаларида ишлади. У киши техника сир-асрорларини яхши билади. Нафақага чиққандан сўнг уйда тинч ўтира олмади.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 23 февралдаги «Чорвачиликда ислоҳотларни такомиллаштириш ҳамда деҳқон-фермер хўжаликлари ва хусусийлаштирилган фермерлар манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қарори эълон қилингач, Ғайбулло ака ҳам оила аъзолари билан маслаҳатлашиб фермер хўжалиги ташкил этишга киришди. Фарзанди Аъзам Раҳмонов бошчилигида «Меҳнат» чорвачилик фермер хўжалиги иш бошлади. Унга оила аъзоларидан 13 киши жалб этилди. Ўз шахсий моллари ҳисобидан давлатдан қарз олмасдан 45 бош қорамолни боқишга киришдилар.

Бироқ 1995 йил июль ойида ташкил этилган фермер хўжалигида ижобий ўзгаришлар ўрнига орқага кетиш бўлди. Қорамоллар бош сони камайиб кетди. Ҳозир 39 бош қорамол (шундан 14 боши сигирлар) боқилаяпти. 1997 йилда 18 тонна ўрнига 8 тонна сут, 2 тонна ўрнига бор-йўғи 540 килограмм гўшт етиштирилди, холос.

Хўш, бунинг сабаби нимада?! Нега фермер хўжалиги бундай аҳволга тушиб қолди?! Биз яқинда фермер хўжалигида бўлиб, бу ерда олиб борилаётган ишлар билан танишдик.

Қишнинг изғиринли совуқ куни бўлишига қарамасдан фермерлар тиним билмай ишлашаяпти. Бир томонда бузоқлар учун атала пиширилаяпти. Бир томонда эса молларга хашак солишаяпти, молхоналарни тозалашаяпти. Хуллас, оила аъзоларининг ҳаммаси иш билан банд.

– Биз қанча ҳаракат қилган билан маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, моллар бош сонини ошириш имконияти бўлмаётир, – дейди оила бошлиғи Ғайбулло ака Раҳмонов куюниб. – Нега дерсиз? Бунинг сабаблари кўп. Энг аввало, фермерчиликни ривожлантириш учун озуқа мўл бўлиши, шароит яратилиши керак. Бизда эса бунинг акси. Мана, иш бошлаганимизга уч йил бўлди. Аммо ер ололмай сарсон-саргардон бўлиб юрибмиз.

Фермер хўжалиги ташкил этаётганимизда Жавли Турдиев номли жамоа хўжалиги комиссияси аъзолари аҳволни ўрганиб, 1995 йил 31 мартдаги йиғилишида ҳар бош шартли молга сувли ердан 0,30 гектардан, жами 10 гектар ер ажратиб бериш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Шундан сўнг 15 апрелда Бектемир қишлоқ фуқаролар йиғини ҳам 10 гектар ер ажратиш тўғрисида қарор чиқарди. 1995 йилнинг 25 октябрида Китоб туман ҳокими «Меҳнат» чорвачилик фермер хўжалигига 10 йил муддатга фойдаланиш учун 9,2 гектар сувли ер ажратиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Тўғри, бу қарордан сўнг фермер хўжалигимиз учун 10 гектар эмас, 4 гектар ер беришди. Аммо шу 4 гектар ер ҳам ташландиқ жойдан кўрсатилди. Бу ердан унумли фойдаланишнинг имконияти йўқ. Чунки бу ер бошқа экин майдонларига нисбатан 1,5-2 метр пастликда жойлашган. «Наврўз» ва Жавли Турдиев номли жамоа хўжаликлари ўрталиғида жойлашган ердан айни ёз пайти зах сув чиқиб қолаяпти.

Шунга қарамасдан оила аъзоларим билан ердан унумли фойдаланишга ҳаракат қилаяпман. Ўзимизнинг шахсий тракторимиз борлиги учун бошқа хўжаликлардан сомон, хашак йиғиштириб келаяпмиз.

Қолган 6 гектар ерни уч йилдан буён беришмаяпти. Мен хўжалик бошқаруви раиси Қаҳҳор Хуррамов, туман фермерлар уюшмаси раиси Гулмурод Эшонқулов, туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Усмон Валиевга бир неча марта мурожаат қилдим. Улар фақат «ҳал қиламиз», «хўп бўлади», деб ваъда беришади. Билмадим. Бу ваъдалар қачон амалга ошади? Ёки «алдагани бола яхши» деганидек, бизни лақиллатиб юришаверадими?

Ҳа, Ғайбулло аканинг сўзлари мени ўйлантириб қўйди. Мамлакатимизда ўтказилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади юртимизда чинакам мулкдорлар синфини шакллантиришдан иборат эканлигини замон яққол кўрсатмоқда. Бугунги кунда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда деҳқон (фермер) хўжаликлари давлат секторига нисбатан анча фаол иш юритаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Фермерларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун қатор Фармон ва қарорлар бежизга чиқарилмаяпти.

Шундай экан, «Меҳнат» чорвачилик фермер хўжалигига ажратилган ер пайсалга солинмай берилиши керак.

**Ҳусан РАҲМОНОВ.**

• *Тадбиркорлик сабоқлари*

# «ЕТТИ ОҒА-ИНИ» ФАБРИКАСИ

“Етти оға-ини” оилавий ишлаб чиқариш фирмасининг янги цехида ўттизга яқин ип йигирув дастгоҳларини ўрнатиш ва созлаш ишлари ниҳоясига етмоқда.

Исмоналиевлар оиласидаги етти ўғил Хонободда эзгу ишлари билан танилган. Улар уч йилдан буён энг катта акалари — Абдураҳмон раҳбарлигида тўқимачилик маҳсулотлари чиқитларидан халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришмоқда. Оилавий фабрикада жун гиламлар, поёндозлар, бошқа буюмлар тайёрланмоқда, уларнинг ҳаммаси сифатлилиги, шарқона гули ва нархининг арзонлиги билан ажралиб туради.

Эндиликда ака-ука Исмоналиевлар ип йигирув фабрикаси ташкил этишга аҳд қилишди. Бунинг учун «Бизнес-фонд»дан кредит олиб, зарур жиҳоз ва дастгоҳларни харид қилишди, кимошди савдосида савдо базасининг бўш турган ишлаб чиқариш биносини сотиб олиб, қисқа муддатда режани амалга оширишди.

Бу ерда қирққа яқин ишчи ёрдамида йилига 212 тонна калава ип тайёрланади. Бу эса анчагина фойда олиш имконини беради. Тушган фойдани тикувчилик цехи ташкил этишга сарфлаш кўзда тутилмоқда.

**К. НИЗОМОВ,**
**(ЎзА)**
**Андижон вилояти.**

**Поёнига етаётган XX асрда инсоният барча соҳаларда улкан ютуқларни қўлга киритди. Айниқса, техниканинг жадал тараққий этиши натижасида моддий дунёни ўрганиш учун мислсиз имкониятлар очилди. Лекин улкан муваффақиятларга яраша шундай улкан муаммолар ҳам пайдо бўлдики, уларнинг олдида ҳар қандай техника ҳам ожиз қолмоқда. Шу маънода, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий заҳиралардан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқариш натижасида табиатнинг заҳарланишига имкон қадар йўл қўймаслик, умуман экология билан боғлиқ масалалар бутун дунёда долзарб аҳамиятга эгадир. Жумладан, бизнинг республикамизда ҳам экология билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хўжалик юритишнинг бугунги шароитида экологик муаммоларни иқтисодиёт билан чамбарчас боғлиқликда ўрганиш мақсадга мувофиқ. Кўпгина мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, табиатга турли чиқиндилар чиқишининг олдини олиш атроф-муҳит муҳофазасида тобора кўпроқ аҳамият касб этаётир.**

**Мухбиримизнинг Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасининг ер ва сув заҳираларини асраш ва улардан оқилона фойдаланиш Бош бошқармаси раҳбари Владимир Леонидович Савелло билан қилган суҳбати ана шу ҳақда бўлди.**




– Ҳозир республикамизда Жаҳон банки билан ҳамкорликда ҳамда халқаро маслаҳатчилар кўмагида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва Ўзбекистон Республикасининг барқарор тараққиётини экологик таъминлаш ҳаракатлари бўйича Миллий режа ишлаб чиқилаётир, – дея гап бошлади Владимир Савелло. – 1998 йилнинг май ойигача мазкур режа тўлиқ тайёр бўлиши керак.

Ўтган йилнинг ноябрь ойида ушбу режани тузиш методлари ва уни амалга ошириш механизмини ўрганиш масалаларига бағишланган семинар ҳам бўлиб ўтди. Атроф-муҳит муҳофазасига оид бу режада мавжуд табиий заҳиралар бўйича атрофлича маълумотлар келтирилди. Шунингдек, унда республикадаги экологик аҳвол, бу борада мавжуд муаммоларнинг сабаблари ҳамда атроф-муҳит ифлосланишига таъсир кўрсатадиган халқ хўжалиги соҳаларининг бугунги аҳволи билан боғлиқ масалалар таҳлил қилинади. Қолаверса, асосий режа асносида бир қадар муҳим ва долзарб бўлган муайян масалалар билан шуғулланадиган лойиҳалар ҳам тузилаётир.

**– Айтинг-чи, мамлакатимизнинг қайси ҳудудларида экологик муаммолар кўпроқ ташвиш уйғотади?**

– Бу ўринда йирик ҳудуд сифатида фақат Қорақалпоғистонни айтиш мумкин. Хоразм, Фарғона, Навоий каби вилоятларда эса жиддий экологик муаммолар мавжуд алоҳида туманлар бор. Аниқроқ қилиб айтганда, республикамиздаги 167 туманнинг 20 га яқинида экология бир қадар ташвишланарли аҳволда. Бу асосан мазкур туманларда тоза ичимлик сувининг етишмаслиги, ер ости ва ер усти сувлари ҳамда ҳавонинг юқори даражада ифлосланганини, тупроқ унумдорлиги жуда паст экани каби сабаблар билан изоҳланади. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш эса одамларнинг соғлом ҳаёт кечиришига шароит яратиш учун зарурдир.

**– Маълумки, ҳозирда жаҳоннинг айрим мамлакатларида аҳолини ичимлик суви билан етарлича таъминлаш муаммоси юзага келган. Мамлакатимизнинг сув заҳиралари аҳволи хусусида нималар дея оласиз?**

– Тўғри, дунёдаги кўпгина мамлакатлар бугунги кунда ўз сув ресурсларидан ўта тежаб фойдаланишга мажбур. Ҳатто айрим мамлакатлар ҳудудида тоза ичимлик суви заҳиралари тугаб бўлди ҳисоби.

Ҳозирда республикамизнинг баъзи ҳудудларида аҳоли истеъмол қиладиган ичимлик суви муайян меъёрларга жавоб бермайди.

Умуман, бизда сув бўйича ғалати аҳвол мавжуд. Бир томондан сувнинг етишмаслиги бўлса, иккинчи томондан унинг исроф қилинаётгани. Масалан, сувни ташиш ҳамда суғориш ишлари жараёнида ялпи сув заҳираларининг 4 фоизи исроф бўлаётгани ачинарли, албатта.

Айни пайтда Ўзбекистонда одам бошига бир йилда 2800 куб метр миқдордаги сув тўғри келади. Бу эса умумий шароити бизнинг республикамизга монанд Иорданиядаги мазкур рақамдан етти марта кўп дегани. Хусусан, Тошкентда ҳар бир одам учун кунига 600 литр ичимлик суви тўғри келаяпти. Ахир, бу кўрсаткич жаҳон мамлакатларидаги меъёрдан ҳам бир неча баробар зиёдку.

Энг муҳим вазифа – сувни тежаш тизимини яратишдир. Биринчи навбатда ирригация тизимини қайта таъмирлаш ва сувни тежаш технологиясини ҳаётга жорий этиш лозим. Гарчанд бу қимматга тушса-да, лекин ўз навбатида зарур ҳамдир. Шунингдек, сув заҳираларидан оқилона фойдаланиш ва уларни асрашга ҳисса қўшадиган экологик механизмларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга татбиқ қилиш ҳам муҳимдир.

**– Қишлоқ хўжалигидаги экологик муаммолар қандай бартараф қилинмоқда?**

– Биз пахта яккаҳокимлигидан қутулган бўлсак-да, лекин ерга эгалик қилиш бўйича айни вақтдаги аҳвол ҳам экологик талабларга жавоб бермайди. Дуккакли ўсимликларнинг ялпи экин тизимидаги майдони жуда кам ва тупроқ таркиби етарли миқдорда чириндига тўйинмайди. Ва бу тупроқнинг ориқлашига сабаб бўлади. Шу боис ҳозирда ерга эгалик қилишнинг экологик асосланган тизимини ишлаб чиқиш ва амалга жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Бу эса қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг сифатли бўлишини таъминлайди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, қишлоқ хўжалигида кимёвий ўғитлардан фойдаланиш сезиларли даражада камайди. Натижада тупроқ заҳарланишининг бир мунча олди олинди. Умуман, бундай усулни зарур меъёрга қадар қўлламоқ лозим. Тупроқ заҳарланишига қарши самарали усуллар қўлланаётгани, албатта, яхши. Лекин тупроқни шамол ва сув таъсирида емирилишдан асрашга етарлича эътибор қаратилмаяпти. Шу ўринда айтиш керакки, республикамиз қишлоқ хўжалиги тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар мамлакатимизда ер ва сув заҳираларини ҳимоя қилиш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш бўйича зарур масалаларни ҳал этишга имконият яратиши, шубҳасиз.

**– Ҳозирда республикамизга ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари қаердан келтирилиши ва улардан фойдаланиш ким томонидан назорат қилиниши хусусида ҳам гапириб берсангиз.**

– Бажонидил. Бундай маҳсулотларни сотиб олиш ҳукумат томонидан умумий ҳолда амалга оширилади. Ишлатиладиган кимёвий воситалар республика илмий марказларида текширувдан ўтказилганидан сўнг давлат кимёвий комиссиясининг рухсати билан улардан фойдаланиш мумкин. Уларни етказиб берувчилар барча техник ҳужжатларни кўрсатиши шарт.



Биз ҳозирда бундай воситаларни жаҳоннинг етакчи фирмаларидан сотиб олаяпмиз. Хусусан, «Сиба», «Хиноин», «Сумитомо» каби фирмалар томонидан ишлаб чиқилган ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари айни вақтда республикамиз қишлоқ хўжалигида кенг фойдаланилмоқда.

Яқинда биз Германияда бўлиб, немисларнинг «Байер АГ» фирмаси фаолияти билан танишганимизда, у ерда экологик хавфсиз препаратлар тайёрлаш учун нақадар жиддий эътибор берилишининг гувоҳи бўлдик. Мазкур соҳадаги илмий тадқиқотлар учун бу ерда йилига 3300 миллион немис маркаси атрофида маблағ сарфланар экан. Фирма токсикологик ҳамда атроф- муҳитда қоладиган пестицидлар миқдори бўйича тадқиқотлар ўтказиш учун йирик илмий марказга эга. Агар бирор бир мамлакатда мазкур маҳсулотларни ишлатиш маълум сабабларга кўра мумкин бўлмаса, фирма ўз маҳсулотларини сотмайди. Ҳозирда республикамиз мазкур фирмадан раксил, булдок, фоликур каби моддаларни сотиб олди.

Тажриба шуни кўрсатаяптики, атроф-муҳитни муҳофаза қилишда муваффақиятларга эришмоқ учун иқтисодиётнинг барча соҳасида жаҳон андозаларига мос ҳолда иш юритиш зарур.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Фурқат САНАЕВ**
**суҳбатлашди.**

ОЙДИН БЕКАТ

# ХОРАЗМ МЎЪЖИЗАСИ

Матёқуб ҚЎШЖОНОВ,
ЎзФА мухбир аъзоси



**1997 йил 20 октябрь.**
**Хива. Куни билан Ичонқалъанинг кўчалари меҳмонлар билан гавжум бўлди. Кечга қараб, ихчамгина Кўҳна Арк майдонида махсус тайёрланган жойга ҳамма йиғилди. Кутилган пайтда республикамиз Президенти Ислом Каримов минбар томон шаҳдам қадам ташлади.**

Бир зум хаёлга ботаман. Қадимий маданий марказ, пойтахт ҳисобланган бу кўҳна шаҳар майдони кимларни кўрмаган дейсиз?! Мана, бугун бу ерга мустақилликка эришган республикамизнинг Президенти ташриф буюрди.

У минбарда. Президент сокин ва бамайлихотир сўз бошлади. Калому саломдан кейин 2500 ёшга кирган кўҳна шаҳарга таъриф берди:

– Хива – гўзал диёримизнинг гавҳари, халқимиз санъати ва бунёдкорлиги тимсоли, маданий ва маънавий анъаналаримизнинг абадийлигини ўзида мужассам этган бир мўъжизадир.

Очиқ музейга айланган бу кўҳна шаҳарга бундан ортиқ таъриф бериш қийин эди. Бир неча йиллар давомида хоразмликлар, фақат улargина эмас, бутун республика бу тўйга тайёргарлик кўрди. Бу сана туфайли ўнлаб шарқу ғарб, шимолу жануб мамлакатларидан обрўли вакиллар келиб, тантанада иштирок қилаяпти. Булар ҳаммаси мўъжиза туфайли бўлаяпти.

Шундан кейин юртбошимиз ўз маърузасида Хиванинг фақат республикамиз тарихидаги ўрни эмас, балки жаҳон маданиятининг тараққиёт йўлидаги нуфузини очиб берди.

– Ўзбек давлатчилигининг тамал тошлари бундан 2700 йил муқаддам айни Хоразм воҳасида қўйилган. Шу маънода, миллий давлатчилигимиз тарихи Миср, Хитой, Ҳиндистон, Юнонистон, Эрон каби энг қадимий давлатлар тарихи билан бир қаторда туради, – деди Президент.

Бу сўзларни эшитар эканман, мени яна бир лаҳзалик хаёл элитади. Дарҳақиқат, бу фикрни тасдиқлайдиган манбалар жуда кўп. Улар дунё бўйлаб, турли-туман архив, музей, илмий жамғармалар қаърида ётибди. Улардан ҳали ўндан бир қисми ҳам ўрганилмаган. Шаҳарлар ҳар қанча буюк бўлмасин, унинг тарихи қай даражада узоқ-узоқларга кетмасин, охир-оқибатда унинг нуфузи у ерда туғилиб ўсган улуғларнинг жамият тарихидаги ўрнига боғлиқ. Гап бу ҳақда кетар экан, Президент нутқининг оҳанги яна бир даража кўтарилди. У бугунги миллий озодлик учун олиб борилаётган сиёсатни улуғ ватанпарвар Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангубердиларнинг қаҳрамонликлари билан боғлади.

Мен яна бир лаҳза ўйлаб кетаман. Тоталитар тузум пайтларида Жалолиддин Мангуберди ҳақида драма битган Мақсуд Шайхзода «миллатчи» деб эълон қилинганлиги эсимга тушади. Нажмиддин Кубро эса тасаввуф оқимининг даҳоларидан бири бўлгани учун ўрганилмас, ҳатто тилга ҳам олинавермасди.

Ал-Хоразмий, Беруний ва улар яратган кашфиётлар Президент нутқида алоҳида таъкидланди. Бу фикрлар илгари ҳам илмда қайд қилинарди. Бироқ республика Президентининг нутқида умумлашма даражасида чуқур ва таъсирли қилиб таъкидланиши фақат илм аҳлини эмас, балки барча юртдошларимизнинг қаддини бир даража кўтаргандек бўлди.

* * *

Президент ўз нутқида Хоразм илм-фанининг тараққиёт босқичларини таҳлил қилар экан, аз-Замахшарийга бориб етганда мени яна бир лаҳзалик хаёл дарёси ўз қаърига тортди. Бу воқеа менинг ёшлик пайтларимда содир бўлган эди.

Кунларнинг бирида ов қилиб, Қорақум этакларига чиқиб қолибмиз. Кўзим қирда ястаниб ётган харобалар изига тушди. У ер-бу ерда кесак деворларнинг қолдиқлари диккайиб турарди. Улар орасида чўзиқ ва текис майдончалар ҳам кўринар эди. Булар каттароқ қишлоқ ёхуд кичикроқ шаҳар кўчаларининг излари эканлиги маълум бўлиб турарди.

– Бу ерни «измиқшўр» дейдилар, қуён бўлади бу ерларда, – деди мендан нарироқда бораётган овчи дўстларимдан бири.

Отамдан, акаларимдан «измиқшўрнинг у ёғида», «измиқшўрнинг бу ёғида» деган сўзларни эшитиб юрардим. Бироқ унинг маъноси нимадан иборат эканини ҳеч ҳам ўйлаб кўрмаган эканман. Бу гал ҳам овчи дўстим таъкидлаганидек, бирор нарса англаганим йўқ. Чунки Хоразм тупроғида харобалар кўп учраб туради. Бу атаманинг маъносини мен кейин, яқин йилларда тушуниб олдим. «Измиқшўр» дегани Замахшар дегани экан. Бу ер Тошҳовуз шаҳридан етти-саккиз чақирим жанубий-ғарбда жойлашган бўлиб, иккинчи минг йиллик бошларида гуллаб-яшнаган. Араб маданиятига тегишли барча унвонларни олиб улгурган биринчи араб тили луғатининг муаллифи бўлмиш аз-Замахшарий шу ерда туғилиб ўсган, илм олган ва ўз даврининг етук билимдони бўлган. Измиқшўр бундан олтмиш йиллар муқаддам қандай бўлса, ҳозир ҳам шу аҳволда. Лаҳзаларга сиғаётган хаёл оқими мени шундай фикрга олиб келади, қани эди қадриятлар доим ҳам юртбошимиз нутқидагидек қадрланган бўлсаю, бу кичик шаҳарча ўз қиёфасини тикласа, унинг қаърида аз-Замахшарий мақбараси савлат тўкиб турса...

* * *

Президент нафасини ростлаб олмоқчи бўлгандек, хиёл тин олди. Унинг қандайдир муҳим хулосани айтишга чоғланаётгани маълум эди. Натижа ҳам кутилганидек бўлиб чиқди:

– Бундан минг йил муқаддам одамзод тарихидаги илк академиялардан бўлмиш Маъмун академияси Хоразм заминида ташкил топгани билан ҳар қанча фахрлансак арзийди, албатта. Ўйлайманки, биз Маъмун академиясини Хоразм заминида қайтадан ташкил қилсак, кўп улуғ иш бўлур эди, – деди.

Президент ўз таклифининг яна ҳам далилли ва ишончлироқ бўлишини истади шекилли, Хоразмда туғилиб ўсган ва ижод қилган қатор маданият арбобларининг номларини санаб ўтди. Бу санoқ Паҳлавон Маҳмуд, Султон Увайслардан бошланиб Ҳожихон ва Бола бахшилар билан якунланди. Саналганлар ичида жуда кам ўрганилган Сулаймон Боқирғоний, Жалолиддин Румий, Исмоил Журжоний сингарилар ҳам бор эди.

Шу саноқни эшитиб, майдонда ўтирган хоразмликларнинг кўнгиллари яна бир даража кўтарилгандек бўлди. Яқин ўтмишдагина тоталитар тузум даврида бу хилдаги ижодкорлардан кўпчилигининг номлари тилга олинавермасди. Тилга олинган тақдирда ҳам реакцион, жамият тарихида бирор хизмат қилмаган шахслар сифатида кўрсатиларди.

Мана, «Ўзбек совет энциклопедияси»нинг 10-том, 703-бетида Сулаймон Боқирғоний ҳақида ишлатилган баъзи иборалар: у, яъни Сулаймон Боқирғоний халқ «онгини заҳарлаган», «жаҳолатни тарғиб қилган», «ҳукмрон табақалар манфаатини кўзлаган» ва ҳоказолар... Асрлар давомида халқ ардоғида бўлган, китоблари қанчадан-қанча авлодларнинг етук инсон сифатида камол топишига хизмат қилган сиймога нисбатан бундан ҳам ортиқ «туҳмат» сўзларни қўллаш мумкинми?!

* * *

Ўша саноқ тизимида Бола бахши номи ҳам тилга олинди. Шу муносабат билан яна хаёлотга берилдим.

1957 йил. Хива тумани биринчи котиби – дўстим Худойберган Раҳимов уйидаман. Мен ундан ўша даврда элга машҳур халқ оғзаки ижрочиларидан бири Бола бахши билан учраштириб қўйишни илтимос қилдим.

Аввалига дўстим бироз ўзини олиб қочган бўлди. Сездимки, у хавфсиранаяпти. Ниятимнинг қатъийлигини сезди-да, Бола бахшини уйига чақиртирди. Учрашувни пинҳона ўтказиш мақсадида бўлса керак, дўстим суҳбат учун тўрдаги хоналардан бирини ажратиб, дастурхон ёздирди.

Бола бахши билан яккама-якка суҳбатимиз анча давом қилди. Гап орасида у бошдан ўтган ва ўтаётган баъзи воқеаларни гапириб ҳам берди.

– Ман қувғинда юргандийман, ҳозир кўл бўйинда чартакни тейинда яшийман. Эл орасинадам гўп чиқавармийман, достончиларнинг ҳозир қадрига етавермийдилар. Ман айтадағун достонлардан ялонг хото кавлийварадилар, – деди у.

Мен учун бу гаплар тушунарли эди. Эллигинчи йилларнинг бошларида тоталитар мафкура томонидан адабиёт ва санъат, жумладан халқ оғзаки ижодига уюштирилган ғайри илмий муносабат ҳали ҳам ўз кучини йўқотганича йўқ эди. Халқ оғзаки ижоди манбаларидан ҳам хато изланадиган давр эди у пайтлар.

Суҳбатимиз бир меъёрга етгандан кейин Бола бахши:

– Э-е, бу гапларни қўяваринг, ман сиза бир достон айтиб барийн, – деди-да, қўлига торни олди. Қарийб икки соат давомида мен «Ғариб ошиқ» достонини мириқиб эшитдим.

Хайрлаша туриб мен ундан кўп раҳматлар эшитдим. «Хайриятки, достонларни қадрлайдиганлар ҳам бор экан», деган маъно бор эди унинг ҳаракат ва кўз қарашларида.

Мана энди бугун республиканинг бош раҳбари унинг номини азиз ижодкор сиймолар қаторида тилга олиб турибди.

* * *

Президент нутқи ҳамон ривожда эди. У Хоразмни улуғлайдиган бошқа бир гуруҳ, Хоразмнинг иқтисодий ва сиёсий тараққиётига ўзларининг сезиларли улушларини қўшган шоҳу хонларнинг номларини тилга олди. Бу саноқ Отсиз ва Текишлардан бошланиб, Феруз билан якунланди. Нутқнинг бу жойлари эшитувчиларни янгича ўй ва фикрларга чақираётгандек эди.

Ватанимиз тарихи яна шу билан ҳам характерлики, элни бошқаришга бел боғлаган амир, хон ва султонлар илмдон инсонларгина бўлиб қолмасдан, кўп ҳолларда ўзлари маърифатни бошқарганлар. Алишер Навоий фақат бош вазир эмас, балки улуғ мутафаккир шоир, Ҳусайн Бойқаро нафис лирикада истеъдодини кўрсата билган шоҳ, Бобурни фақат лашкарбоши эмас, аввало ёзувчи ва шоир сифатида танийимиз. Амир Умархон ва Нодираларнинг ҳам хизматлари халққа маълум. Президент саноғида Абулғозий Баҳодирхон ва Ферузларнинг номлари алоҳида ўрин тутади.

Тоталитар даврда маърифатпарвар султонлар ҳақида қанчадан-қанча гап-сўзлар бўлгани ҳаммамизга маълум. Нутқда саналган бу маърифатпарвар сиймоларнинг номларини тилга олиш ҳам айб ҳисобланарди.

Яна мени хаёлот ўзига тортди. Ўша 1957 йил эди, чамамда. Мен Ичонқалъани айланиб юриб, «бирор жойда Феруз қиёфасини кўриш мумкин эмасмикин» деган истагимни билдирдим музей раҳбарларига. Кутилгандек, улар аввалига «ҳеч нарса сақланмаган» дейишди. Мен бу жавобга шубҳалanganимни билдирдим музей раҳбарларига. Яна ўша туман раҳбари бўлиб турган дўстимга мурожаат қилдим. Унинг рухсати билан музей ходимлари Ичонқалъада одам қадам босавермайдиган бир хонани очдилар ва у ерда чанг босиб, тиқилиб ётган бир қатор портретларни кўрсатишди. Улар орасида Ферузнинг ҳам портрети бор эди.

Қарийб эллик йил Хоразмни бошқарган, адабиёт ва санъат сирларини мукаммал эгаллаган нафис шоир ва мусиқашунос Ферузнинг меросига муносабатни кўриб ич-ичимдан ачинганман ўшанда. Фақат мустақилликкина Бобур, Амир Умархон, Ферузларни қайтариб берди бизга. Президент нутқи шундан далолат эди.

**(Давоми бор).**





## ЭГАРЛАНГАН «ОТЛАР»

*– Йиғлаб-йиғлаб марза олсанг, кулиб-кулиб суғорасан, деганлари беҳуда айтилмаган, – дейди таъмирчи-уста Машраббой Йўлдошев (суратда). Бугун биз хўжалигимиздаги барча техникани мавсумга шайлаб қўйдик. Ҳаммаси эгарланган отдай турибди.*

*Дарҳақиқат, Норин туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида барча турдаги қишлоқ хўжалик техникалари мавсумга шай қилиб қўйилганлигини ЎзА мухбири Шуҳрат Олимов фотоtasмага чиройли қилиб тушириб келибди. Азиз газетхон, ишонмасангиз, сиз ҳам кўринг. Бу техникалар комиссия томонидан қандай назорат этилаётганлигини томоша қилинг.*

Эътироф

# ЭЗГУЛИК – УМРБОҚИЙЛИК

**Ҳаммамизга яхши маълумки, мустақилликнинг дастлабки йилларида бошқа миллатга хос кўплаб етакчи мутахассислар Ўзбекистондан хорижга, Россияга кета бошладилар. Ўшалардан бири – менинг яқин танишим, яхши иқтисодчи Вера Васильевна Кудрявцова эди. Баҳорда у Россиядан Тошкентга командировкага келди.**

Мен Вера Васильевнани меҳмон сифатида хотин-қизлар байрами муносабати билан Тошкент шаҳар ҳокими уюштирган байрам тантасига олиб бордим. Учрашув олдидан биз, тантана иштирокчилари икки соат давомида шаҳримизнинг бош архитектори ҳамкорлигида Тошкентнинг кечаги , бугунги ва эртанги жамолини томоша қилдик. Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ, деб шуни айтишса керак-да, Тошкентда яшаб, шаҳримизда юз бераётган ўзгаришларни ҳар куни кўраверib кўз ўрганиб қолганиданми, Тошкент шу қадар чирой очиб, тароватли бўлиб кетганига биз тошкентликлар унча аҳамият бермаган эканмиз.

Шунинг учунми ё бош архитекторнинг мароқли ҳикоясиданми, худди эртаклар шаҳарчасига тушиб қолгандай икки соат икки дақиқадай тез ўтиб кетганини сезмай қолдик.

Гулларга бурканган АмирТемур хиёбони, Соҳибқиронга атаб қурилган музей саҳнидаги жимжимадор жилваланаётган фавворалар, жаҳон стандартларига мос ва хос равишда қад кўтарган беш юлдузли меҳмонхоналар, маъмурий бинолар, санъат кошоналари, турар жой ва спорт комплекслари, текис ва равон Чорсу-Қорақамиш кўчаси дилларга қувонч, ғурур ва фахр бахш этарди.

Ҳамроҳим Вера Васильевна айни баҳор палласи гулларга бурканган Тошкент жамолини суқланиб томоша қилар экан, автобусимиз янги кўчалару майдонлар, янгидан қад кўтарган иншоотлар олдига келганда беихтиёр ўрнидан туриб кетар, худди узоқ йиллар қидирган нарсасини энди топган одамдай энтикиб, кўзлари тўла ёш билан архитектор сўзларини тинглар, гап орасида «болалигим ўтган жойлар беш йил ичида таниб бўлмас даражада ўзгариб кетибди» деб қўярди.

Кўз ёшларини артиб ёнимдаги ўриндиққа оҳиста ўтирар экан, Вера Васильевна юракни эзгувчи ўкинч ва армон билан шундай деди: «Мен ўша пайтда кимларнингдир Ўзбекистоннинг эртанги куни, келажаги йўқ деган иғволарига учиб, ота-онам хоки қолган, мен учун азиз бўлган Тошкентдан кетдим. Мен, корхона иқтисодчисиз қолиб касод бўлади, етук миллий мутахассислар етишиб чиққунча Ўзбекистонда кун ботмайди, тонг отмайди деб ўйлабман. Қанчалар калтафаҳмлик! Афсуски, буни тузатиб бўлмайди энди..

– Нима, у ёқларда ёмон яшаяпсизларми? - сўрадим мен.

– Йўқ, йўқ, яшаш учун ҳамма нарса етади, сенга айтганимдай шахсий мини пайпоқ фабрикаси очганман. Уй-жой, маошим яхши, болалар ҳам ўқиш, ишга яхши жойлашиб олганлар, мундоқ қарасанг ҳаммаси рисоладагидай. Аммо гап яхши-ёмон яшашда эмас-да, гап одамларнинг бир-бирига бўлган ишончида, меҳрида. Ўзбек диёрида яшаб топганим – ишонч, меҳр-оқибатни мен у ёқларда ёру дўстларим, ҳаттоки ўз туғишганларимдан ҳам топмадим. Бу қанчалар оғир азоб эканлигини, кўнглинг ўксиб, ўзингни қанчалар ғариб сезишингни билсанг эди!

У ерда одамлар фақат ўзи учун ва бугунги куни билан яшайдилар. Сизларда эса бутунлай бошқа, юртингиз тинч, бағрингиз кенг, меҳрингиз дарё. Бегонани ҳам ўзгача бир меҳр билан, ўзбекона меҳмондўстлик билан кутиб оласизлар. Менинг шахсий ҳисобимда миллионлаб пулларим бору, аммо ғарибман, бегонаман. Бу татимас бойликнинг кимга кераги бор? Кеча юбилейда Г. Шоҳидий айтганларидай, Аллоҳ сиз ўзбекларга кенг феъли учун кетмас давлат ва бахт берган бўлса керак-да, – деди Вера Васильевна қандайдир бир ички армон билан.

Дарҳақиқат, Вера Васильевна ҳамон олима дугонасининг юбилейига Тожикистондан келган «Мир» телекомпаниясининг бош муҳаррири Гулсифат Шоҳидийнинг юбилейда айтган табрик сўзлари таъсирида эди. Гулсифат Шоҳидий: «Мен юбилярни табриклашдан аввал бутун ўзбекистонликларни табрикламоқчиман. Сизларни, азизлар, юртингиздаги осойишта тинч ҳаёт билан, ўзбекларга хос бўлган меҳр-оқибат билан, келажакка бўлган ишончингиз ва дадил, мард, узоқни кўзлаб иш тутувчи йўлбошчингиз билан табриклайман. Бу қандай бахтки, сиз мана шундай тантаналарни ишдан сўнг ташкил қила оласиз, болаларингиз, яқинларингиз тақдиридан хавотирда яшамайсиз, комендант соати нималигини билмайсиз, кўчаларда қуролли солдатларни кўрмайсиз. Бизда эса ҳамон нотинчлик, тўю тантаналар жуда кам бўлади, агар бўлса ҳам кундузги соат 12 ва 15 орасида ўтказилади, кеч соат олтидан кейин кўчаларда одамлар кўринмайди, ҳамма хавотирда яшайди. Беҳавотир ва тинч яшаш ноёб бир бахтдир, азизлар. Шундай бахтни асрай олган ҳамжиҳат ва ҳамфикр халқгина буюк давлат қура олади», – деганди.

Ҳа, дўстларинг айтгандай илоё келажагинг буюк бўлиб, давлатинг кетмас бўлсин, она Ўзбекистоним! Сенинг эртанги кунингга ишонмай, хато ўйлаган ва ўйлаётганлар эса диёрингда амалга оширилаётган эзгу ишларнинг гувоҳи бўлиб, тирсакларини тишлаб қолаверсинлар! Сен эса худо хоҳласа, Шарқда машъал бўласан, Ўзбекистоним!

**Гулпошша ЭРГАШХЎЖАЕВА,**
**тарих фанлари номзоди.**

Судда

# ОМОНАТГА ХИЁНАТ

**Дориломон кунлар келди. Кимки ҳалол меҳнат қилса, фаровон яшайди. Бунинг учун хоҳишу ҳаракат бўлса, бас. Лекин бировларнинг луқмаи ҳалолига кўз олайтириб, пешона тери эвазига топган нонини туя қилганларнинг ҳолига вой. Шу жумладан...**

Ўрта чирчиқлик Владислав Цой атрофига бундоқ қараса, яхши ният билан тадбиркорликка қўл урганлар бойиб кетяпти. «Хўш, улардан менинг қаерим кам?» – деб ўзига-ўзи савол берди у. Ва тез орада «Янги турмуш» ишлаб чиқариш-тижорат фирмасини очди. Бироқ уни юргизиш учун сармояси йўқ эди. Боши қотиб турган бир пайтда кимдир унга «давлатдан кредит олинг», деб маслаҳат берди. Шундан кейин В. Цой, «Бизнес фонд»дан бир миллион сўм кредит олмоқчи бўлди.

– Бош устига! Вазифамиз сизга ўхшаган тадбиркорларни иқтисодий жиҳатдан қўллаш. Тегишли ҳужжатларни тайёрлаб келинг-да, пулни олаверинг! – дейишди фонд ходимлари.

Унинг ҳужжатлари тайёр эди. Бир миллион сўм «Янги турмуш»нинг ҳисоб рақамига ўтказиб берилди. Бундан Цойнинг боши осмонга етиб, «тадбиркор»ликни бошлаб юборди. У дастлаб «Беҳзод» корхонаси билан тузилган шартномага мувофиқ, бу ердан катта миқдорда мусаллас олди-ю, фирмасига келтирмай турибоқ йўлда «соққа»га айлантириб, маблағни шахсий эҳтиёжи учун ишлатиб юборди.

Қараса, ишлар беш! Ҳеч ким унинг мушугини пишт демаяпти. Сўнгра у Тошкент шаҳридаги «УФҚ» фирмаси билан шартнома тузди-да, бу фирманинг ҳисоб рақамига 90000 сўм ўтказди. Эвазига олган товарни эса «оёғини ерга теккизмай» пулга айлантирди. Яъни товарни номаълум кишиларга сотиб, пулини ҳамёнга урди.



Мўмай фойдадан мазахўрак бўлган Цой энди «СТЛ-ТЕНО» хусусий фирмасидан 507500 сўмлик металл арматура харид қилиб, унинг 209560 сўмлигини Қашқадарёдаги «ЭКСМ» корхонасига юборди. Қолган 297940 сўмлигини яна нақд пулга айлантириб, балойи нафси учун ишлатиб юборди.

Бу орада кредитни қайтариш муддати келган эди. Аммо у пинагини бузмади. Ноқонуний, алдамчи «операция»ларини давом эттираверди. Оқибатда олган омонатига қилган хиёнатининг касофати урди. Келишувга кўра, Қозоғистоннинг Алмати шаҳридаги «Ала Тау» фирмасига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериши, улар эса бунинг эвазига бошқа харидоргир товарлар жўнатиши лозим эди. Цой кўп миқдорда маҳсулот олиб белгиланган манзилга юборди. Бироқ, «ўғрини қароқчи урди», деганларидек, у на маҳсулотни қайтариб олди, на мўмай даромадга эга бўлди – касодга учради.

Шундай қилиб, баднафслик Цойнинг бошига етди. У бой бўламан, деб иззатидан айрилди. Агар олган кредитини меъёрида, қонунларимизга мос келадиган тартибда ишлатганида ҳам ўзи бойирди, ҳам олган қарзидан қутуларди. Афсуски, охир-оқибатда одил суднинг қора курсисига ўтирди. Тошкент вилоят суди томонидан етти йилу олти ой муддатга озодликдан маҳрум этилди. Устига устак, унинг мол-мулки ҳам давлат фойдасига мусодара қилинди.

**Мурод КАЛОНХОН.**

ДУНЁ ДАРАКЛАРИ

## УЧРАШУВ МУДДАТИ БЕЛГИЛАНДИ

**ВАШИНГТОН.** АҚШ Президенти таклифига биноан, Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр 4-7 февраль кунлари Америкага ташриф буюради. Бу ҳақда Оқ уй маъмурияти расман эълон қилди.

5 февраль куни АҚШ Президентининг "Жанубий ўтлоқ" қароргоҳида Т. Блэрни расмий кутиб олиш маросими бўлади. Сўнг Америка-Британия музокаралари ўтказилади. Унда икки томонлама манфаатли ҳамкорлик алоқалари ва Европа Иттифоқи билан АҚШ ўртасидаги муносабатлар, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар кўриб чиқилади. Шунингдек, ташриф асносида икки мамлакат давлат раҳбарларининг қўшма матбуот анжуманини ўтказиш ҳам режалаштирилган.

## ХОРИЖИЙ МАСЛАҲАТЧИ

**НЬЮ-ЙОРК.** 1996 йили Республикачилар партияси томонидан президентликка номзоди қўйилган америкалик сиёсатчи Роберт Доул Тайван ҳукуматининг ёлланма маслаҳатчиси сифатида фаолият бошлади. У Тайван ҳукуматига фақат стратегик маслаҳат ва тавсиялар беради.

Р. Доул хизмати учун 30 минг АҚШ доллари миқдорида маош олади.

## ЁРДАМГА ДАЪВАТ ЭТДИ

**ПЕКИН.** Хитой Қизил хоч жамияти халқаро ҳамжамиятни зилзила натижасида оғир аҳволда қолган Хэбэй вилояти аҳолисига 10 миллион юан (1,2 миллион АҚШ доллари) миқдорида моддий ёрдам кўрсатишга даъват қилди.

Сўнгги маълумотларга қараганда, 10 январь куни Хитойда ер силкиниши оқибатида Чжанбэй ва Шани туманларида 49 киши қурбон бўлган. 12 минг киши жароҳатланган. Умуман зилзила мамлакатга 2,37 миллиард юан миқдорида зарар етказган.

## ФАЛОКАТ ЮЗ БЕРДИ

**ИСЛОМОБОД.** Покистон ҳукумати 13 январь куни кечаси "Толибон" ҳаракатига тегишли самолёт фалокатга учрагани ва ундаги жами 80 киши ҳалок бўлгани ҳақида расман хабар тарқатди.

Маълум бўлишича, самолёт Қандаҳордан Афғонистон-Эрон чегарасида жойлашган Ҳирот шаҳрига йўл олган эди. Бироқ, об-ҳавонинг ёмонлашуви туфайли, экипаж самолётни бошқара олмаган ва ҳаво кемаси Покистон ғарбидаги тоғли ҳудудда қулаб тушган.

## АЁЛНИНГ НИЯТИ НЕ ЭДИ?

**ВАШИНГТОН.** АҚШ махсус хизмат вакиллари Оқ уйнинг тантаналар залларидан бири – "Зангори сарой"га бўёқ сочиб, у ердаги жиҳозларга зарар етказган аёлни ҳибсга олди.

Ҳозирча номи сир тутилаётган 30 ёшли бу аёл Президент қароргоҳига туристлар билан бирга кирган. Махсус хизмат вакиллари унинг қароргоҳга бўёқ олиб кирганини аниқлай олмаган. Бу ҳол кўпчиликни таажжубга солмоқда.

**(ЎзА)**

ДУНЁ ДАРАКЛАРИ

